



Хазрат Навоий бошка дostonларидан фаркли ўларок “Лисонут тайр” дostonида тўрт сахиx халифанинг хар бирига алохида бoблар ажратган. Махсус таърифлардан сўнг ул зотлар хаётида рўй берган воқеаларни баён килган. Куйида ана шу хикоятларни хукмингизга хавола этмокдамиз.

Абу Бакр (розиаллоху анху) хакида

Мустафoдин¹ сўнгра ахли иртидoд,
Чун хилофатка ул ўлди истинод.

Дин тарикида адоват туздилар,
Ким хужум айлаб жадал кўргуздилар.

Бергали ислом рукнига халал,
Ким закoт эрди аён айлаб жадал.

Ул газаб айлаб бу навъ этти хитoб,
Ким наби² конунидин бир ришта тоб.

Ўксумак тагйир ила имкони йўк,
Ўксутур элга киличдур доги ўк.

Шаръ ишига улки мундок килса жахд,
Ким онинг осори колгай то бу ахд.

Ким кила олгай бу ишни ошкор,
Жуз Абубакр улки эрди ёри гор.

Насрий баён:

Мухаммад Мустафoдан (соллалоху алайхи ва саллам) кейин Абу Бакр Сиддик (розиаллоху анху) халифалик тахтига ўтирди. Диндан кайтган бир гурух кишилар дин йўлида адоват килиб, жанжал бошладилар. Улар ислом устунларини кулатиш учун закoтни бекор килишни талаб килдилар. Халифа газаб билан шундай хитoб килди: «Пайгамбар (соллаллоху алайхи ва саллам) конунида бирор ип микдорича нарсани хам ўзгартириш мумкин эмас. Кимки бунга карши бош кўтарса, уларга жавoб килич ва ўк бўлади!»

Шариат ишига шунчалик катъийлиги учун ҳам унинг номи то бу замонгача етиб келгандир.

Бундай катъийликни ким кила олади? Факат горда пайгамбарга (соллаллоху алайхи ва саллам) дўстлашган Абу Бакр (розияллоху анху)!

Умар (розияллоху анху) хакида

Хайле чун фатхи Мадойин килдилар,
Ахзи амволу хазойин килдилар.

Неча юз йиллик салотин ганжини,
Жамъ айлар чоғда кўргон ранжини.

Юклаб эттилар онинг оллига накл,
Ким тамошосида хайрон эрди акл.

Кўз учидин бокмай ул амволга,
Борчани жамъ этти байтул-молга.

Ким газо ахлига ул бўлгай мадад,
Хар бирига ончаким еткай расад.

Кимнинг илкидин келур бу навъ иш,
Жуз Умарким бўйла конун айламиш.

Насрий баёни:

Хазрати Умарнинг (розияллоху анху) кишилари Мадойин шахрини эгаллаб олиб, мол-мулк ва хазиналарини тортиб олдилар. Бир неча юз йиллар давомида султонлар кийналиб йиккан хазиналарни юклаб йўлга тушдилар. Бу катта хазиналар томошасига акл ҳам лол эди.

Хазрати Умар (розияллоху анху) келтирилган бу мол-дунё ва хазиналарга кўз кирини ҳам ташламай, давлат хазинасига топширишни буюрди: булар газотга чикувчилар учун етганича бўлиб берилади.

Умар (розияллоху анху) шундай конунни йўлга кўйди ва ундан бошка кимнинг кўлидан бу иш келарди!

Усмон (розияллоху анху) хакида

Накл эрур бу навъким бир кун наби,
Ул халойикка саодат кавкаби.

Хилват ичра истою элдин фарог,
Ўлтуруб эрди узотиб бир оёғ.

Кирдилар баъзи кибар асхобдин,

Хам азизу хам шариф ахбобдин.

Бўлмади тагйир хазрат холига,
Ул фарог ичра хумоюн фолига.

Лек Усмон киргач ул миллатка шамъ,
Ўлтуруб сўнгон аёгин килди жамъ.

Ким эрур осру хаёлиг кимса ул,
Топкуси тагйир онинг холига йўл.

Улки мундок хурматин туткай расул,
Эътибори йўк неким дер хар фузул.

Насрий баёни:

Шундай бир накл бор: халойикка саодат юлдузи бўлган Пайгамбар (соллаллоху алайхи ва саллам) бир куни элдан фарогат истаб, бир хилватга кириб, бир оёгини узатиб ўлтириб эди. Унинг хузурига баъзи зодагон сухбатдошлардан, баъзи азиз ва айрим шариф дўстларидан кириб боришди.

Пайгамбар (соллаллоху алайхи ва саллам) авзоида ўзгариш бўлмади. У бемалол яхши хаёллар билан тин олиб ўтирди.

Бирок хонага Усмон (розияллоху анху) киргач, Миллат шами (соллаллоху алайхи ва саллам) узатган оёгини йигиб олди. Чунки Усмон (розияллоху анху) жуда хаёли киши бўлиб, Расулнинг у холидан ахволи ўзгариши мумкин эди. Шундай.

Пайгамбар (соллаллоху алайхи ва саллам) хурматини жойига кўйган зот хакида хар кандай кимсалар хар нима десалар беҳудадир.

Али (розияллоху анху) хакида

Бир газода накл мундокдурки шох,
Ебдур ўк захмики отмиш кийнахох.

Ер тутиб пайкон сўнгакка ўйла руст,
Ким чекордин бўлмаин чикмокка сушт.

Чун Набига арз этибдурлар они,
Бўйла дебтур ул хидоят махзани.

Ким ул этгон чоғда эхроми намоз,
Они тортарга бўлунгуз чорасоз.

Ондаким ул захмнинг пайкони бор,
Зўр айланг ончаким имкони бор.

Онча истигрокдиндур бахравар,

Ким ул иштин бўлгусидур беҳабар.

Ўйлаким хукм этти ул шамъи худо,
Килдилар ул ишни фатх этти худо.

Шах намозининг саломин чун деди,
Захмда не дарду не пайкон эди.

Килди чун ул хол истифсорини,
Дедилар шохи расул гуфторини.

Хайдари каррор шукр айлаб аён,
Ушбу иш сиррин бу навъ этти баён.

Ким халос ўлмок ажал пайконидин,
Мумкин эрмас жуз наби эхсонидин.

Бизга хар гамдин нажот ондиндурур,
Балки ойини хаёт ондиндурур”.

Насрий баёни:

Газот жанглариининг бирида, шундай накл киладиларки, шох – хазрат Али (розияллоху анху) душмандан ўк ебди.

Ўқнинг учи суягига ботиб, хеч тортиб олишнинг иложи бўлмабди. Бу холни Пайгамбарга (соллаллоху алайхи ва саллам) айтганларида, тўгри йўл кўрсатиш хазинаси бўлган Расулulloх (соллаллоху алайхи ва саллам) шундай дебти: «УАли намоз ўқий бошлаган пайтда ўқни тортиб олиш пайида бўлингиз. Жарохатнинг ўқ учи жойлашган жойидан кучингиз етганича ўқни тортиб олишга харакат килинг. У намозга шундай берилган бўладики, ўқни тортиб олганларингни билмай колади».

Тўгри йўл кўрсатиш шами – Мухаммад (соллаллоху алайхи ва саллам) шу сўзни дегач, кишилар бу ишга киришдилар ва Аллох кушойиш берди. Айтилганига амал килинди.

Хазрат Али (розияллоху анху) шом намозининг саломини айтганида жарохатда на дарду на ўқ учи бор эди!

У хайрон бўлиб, воқеани суриштирган эди, унга Пайгамбарлар шохи – Набийнинг (соллаллоху алайхи ва саллам) кўрсатмасини айтдилар.

Хазрат Али (розияллоху анху) бунга шукр килиб, бу иш сирини шундай айтдиларки: «Ажал ўқининг учидан факат Набий (соллаллоху алайхи ва саллам) эхсони билангина кутулиш мумкин. Бизга хар кандай гамдан нажот, балки хаёт хам У туфайлидир».

Манба: alishernavoiy.uz